

## А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2024 йил май ойининг 20 куни, жиноят ишлари бўйича Бектемир туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, туман суди раиси Д.Дадаханованинг раислигида, судья ёрдамчиси Б.Орзиевнинг котиблигида, томонлардан Бектемир туман прокурори катта ёрдамчиси Ш.Йўлчиева, судланувчи Ю.Чоршанбиев ва унинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилган ҳимоячиси - "TANDEM SERVIS" адвокатлик фирмаси адвокати Б.Тўйчиев, жабрланувчининг қонуний вакили М.Ибрагимованинг иштирокида

**Чоршанбиев Юсуф Чоршанби ўғли** (CHORSHANBIYEV YUSUF CHORSHANBI O'G'LI) - 1994 йил 15 майда Қашқадарё вилоятида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, "SEHRIYO" хусусий мактабида ошпаз ёрдамчиси, оилали, уч нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Қашқадарё вилояти, Нишон тумани, Каптарли МФЙ, Иқбол кўчаси, 34-уйда доимий рўйхатда туриб, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, М.Улуғбек м.ф.й, Уч қаҳрамон кўчаси, 31а-уйда истиқомат қилувчи, "муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат" эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми ва 17-моддаси 1-қисми билан айбланганга оид 1-1010-2401/254-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И:

Тергов органи томонидан аниқланган ҳолатларга кўра, Ю.Чоршанбиев 2023 йилнинг 20 ноябрь куни соат 11:00да, бошқарувидаги ўзига тегишли техник соз давлат рақами 01 А 986 WB бўлган "Матиз" русумли автомобилни тегишли ҳужжатлар асосида юксиз, йўловчисиз, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, ТХАЙ кўчаси бўйлаб, Фарғона йўли кўчаси томондан Рохат айланма йўли кўчаси томонга тахминан 10-15 км/соат тезликда ҳаракатланиб келиб, 3-уй қаршисида амалдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 4-банди, 11-банди "г" қисми, 77-банди 1 ва 3 кичик бандлари, яъни "Йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари керак",



“Ҳайдовчи ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, қарияларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши керак”, “Ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак. Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деб кўрсатиб ўтилган талабларига риоя қилмасдан йўналишига нисбатан ўнгдан чап томонга юк аравасини тортган ҳолда ҳаракатланиб чиқган пиёда Г.Ҳакимовни автомобилнинг олд ўнг бурчаги билан уриб, олд шинаси билан босиб кетган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2023 йил 22 февраль кундаги 1168-Х-Хуж.-сонли хулосасига кўра, Г.Ҳакимовнинг танасида “ўнг оёқ болдир суякларининг пастки учлигидан ёпиқ синиб суяк бўлакларининг қониқарли туриши” каби тан-жароҳати мавжудлиги ва ушбу жароҳатлар оғирлик даражасига кўра, “оғир” тан-жароҳати эканлиги аниқланган.

Судга оид трасология экспертизасининг 2023 йил 04 декабрь кундаги 17947-сонли хулосасига кўра, давлат рақами 01 А 986 WB бўлган “Матиз” русумли автомобилнинг кузов қисмида бирор-бир шикастланиш излари аниқланмаганлиги, автомобил билан пиёда ўртасида контакт бўлган бўлиши мумкинлигини, бироқ бундай ҳолатда ҳар доим ҳам техник шикастланишлар юзага келмаслиги мумкинлиги, ушбу ҳолат транспорт воситаси ва пиёданинг тезлиги ва массасига боғлиқлиги аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Ю.Чоршанбиев Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Судланувчи Ю.Чоршанбиев суд мажлисида ўзи содир қилган жиноий ҳаракатига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишини оқибатларини англаганлиги, етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги ва жабрланувчининг вакили М.Ибрагимова билан бирон бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги, улар ўрталарида тузилган ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, унга нисбатан бўлган жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчининг қонуний вакили М.Ибрагимова суд мажлисида судланувчи Ю.Чоршанбиевга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, жабрланувчи Г.Ҳакимовга етказилган зарар тўлиқ қоплангани, жабрланувчи Г.Ҳакимов рухий касал бўлганлиги сабабли



у қонуний вакил деб топилганлигини, аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ ўтказилмагани, Ю.Чоршанбиев билан ўзаро ярашганликларини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисми ва 117-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жабрланувчининг қонуний вакили М.Ибрагимова ва судланувчи Ю.Чоршанбиевнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Бектемир туман прокурори ёрдамчиси Ш.Йўлчиева ва адвокат Б.Тўйчиевнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи Ю.Чоршанбиевнинг муқаддам судланмаганлигини, айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчининг қонуний вакили ва судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув жабрланувчининг қонуний вакили ва судланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми ҳамда 117-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, Ю.Чоршанбиевга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчининг қонуний вакили М.Ибрагимовага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

### **А Ж Р И М    Қ И Л Д И:**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисми ҳамда 117-моддаси 2-қисми билан айбланган **Чоршанбиев Юсуф Чоршанби ўғли** (CHORSHANBIYEV YUSUF CHORSHANBI O'G'LI)га нисбатан жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.



Жабрланувчининг қонуний вакили М.Ибрагимовага мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ю.Чоршанбиевга нисбатан қўлланилган “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест билдириши мумкин.

**Раислик қилувчи:**

/имзо/

**Д.Дадаханова**

Ажрим нусхаси аслига тўғри, судья:

